



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 2 ноябр, жума № 171 (1185)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ



2001 yil — Onalar va bolalar yili

Юрт ишқи

Хар кимга ўз юртининг шаъни азис. Хар ким ўз юрти шарафини кўз устига қўяди. Шунинг учун Ватан, ватандошлари хақида айтиладиган яхши гаплардан кўнгли ўсади, губорли «миш-миш»ларни малол олади.

Дунёда халқаро террорчиликка қарши бошланган кескин курашга ахборот оламида турли нуқтаи назарлар, турли фикрлар айтилмоқда. Бу — табиий. Чунки, ҳар ким оламга ўз дарихасидан боқади. Фақат бир нарса аниқ: Ўзбекистоннинг бугунги позицияси унинг неча йилдан буён жиноят оламига қарши олиб бораётган собит курашининг изчил давомидир. Дунё узра терроризм деб аталмиш офат ёғилишидан биринчи бўлиб огоҳ этган ҳам айнан Ўзбекистондир.

Қаро кўзим, келу мардумлиг эмди фан қилгил, Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил!
Муножотхонимнинг кудратли хонишига аллақайси кўчадан янграётган «ёр-ёр»лар садоси уланиб кетади.

ҲАЁТ АБАДИЙ, УМР ҒАНИМАТ

Чирманда, дутор садолари. Нон ҳам, қўшиқ, куйлар ҳам — тинчликни белгиловчи кайфият. «Сурхон соҳили» маҳалласида истиқомат қиладиган, беш фарзанд тарбиялаб, тўнғичлари эл юкига елка тутган Салтанат опа Юсупова хонадонига кирамиз. — Асли адабиёт муаллимасиман. Айни кунда шахримиздаги 11-болалар боғчасида мудира бўлиб ишлайман. Террорчиликка қарши кураш атрофида бўлаётган воқеаларни ҳорриж ва ўз матбуотимиз орқали кузатиб бораёяман.

АҚШда 11 сентябрда фожеали портлаш оқибатида ҳалок бўлганларнинг аксарияти эркаклар экан. Улар орасида 10 га яқин компания асосчилари, 60 нафар атрофида вице-президент мансабидоғи кишилар бўлганлиги тахмин қилинмоқда. Шахси аниқланган қурбонларнинг 15 нафари 21 ёшгача бўлган ёшлар, 3 нафари 3 ёшгача бўлган гўдаклар экан. Шу рақамларни ўйласам, нуқул ўз болаларим кўз ол-

дан келмайди. Уша бегунох қурбонлар ҳам ўз ота-оналарининг қувончи бўлгандир. Эҳтимол, ўша кунни уйдан қайсидир эзгу ниятда энтикиб чиққандир. Ота-онаси яхши тилаклар айтгандир. Еш йигитлар-чи, гўдаклар-чи? Улар энди яшамокчи эдилар... Кимнинг ҳаққи бор бахт учун, ҳаёт учун дунёга келган инсонларни ўз-ўзига, ўз ақидаларига сифмагани учун ўлимга ҳукм этмоққа?! Салтанат опа фарзанди камолини бахт деб билган ҳар бир ўзбек аёли каби куюниб гапиради.

— Ота-онанинг бир кўзи ишда бўлса, бир кўзи ҳамиша фарзандида бўлиши керак. Йўқса, бола бола-да, йўлдан адашиб кетмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Салтанат Юсупова болаларни эзгулик бағрида ушлаб туришининг асосий йўлларида бири деб меҳнатни билади. У шу кунларда «Сурхон соҳили» маҳалласига ўз она шаҳри Андижондан 10 та атлас тўқийдиган дастоҳ сотиб олиб келди. Маҳалладаги ёш келинчақлар, қизларни гоят нозик ва гоят керакли касбага ўргатсам, дейди. (Давоми 2-бетда).

ЭЛ ҚАТОРИ ТИНЧМИЗ, ОМОНМИЗ



«Аллоҳнинг буюк инояти бу тинчлик, омонликдир. Дунёнинг турли минтақаларида «ололи нукталар» кўпайган, халқаро терроризмга қарши аёвсиз кураш кетаётган бир пайтда биз оилаларимиз, фарзандларимиз, юртдошларимиз оғушида

осойишта ҳаёт кечирмоқдамиз. Бунинг учун Юртбошимизга, ҳукуматимизга минг бора раҳматлар айта-миз», — дейди Кумқўрғон туманидаги «Янги ер» жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи Ҳамдам бобо Давлатов.

Суратда: Бобо набиралари даврасида. **И. ҲАСАНОВ** олган сурат. (Сурхондарё вилояти мەхнат ахлининг бунёдкорлик ишлари хақида газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз)

«ЯНГИ ТОШКЕНТ»НИНГ РЕЖАЛАРИ

Қибрай туманида бундан 21 йил бурун ишга туширилган «Янги Тошкент консерва» заводи бир неча йиллик қийинчиликдан сўнг яна қаддини тиклаб олди.

Бозор иқтисодига ўтиш бошланган пайтларда корхона деярли тўхтаб қолган эди. Вазиятни яхшилаш учун мулк шаклини ўзгартиришга тўғри келди. 1995 йили завод очик турдаги хиссадорлик жамиятига айлантирилди. Раҳбариятга ишнинг кўзини биладиган кишилар келди, фойда узокдаги «тоға»нинг эмас, ўзларининг чўнтагига туша бошлаганини билган ишчиларга эса рағбат уйғонди. Шундан кейингина қийинчиликлар ортага чекинди. Маҳсулот ҳажми ва сифати яхшиланди. Айни пайтда қаддини тўла тиклаб олган жамиятда 150 киши меҳнат қилмоқда. Мавсум пайти эса қўшимча ишчи кучи ҳам жалб қилинаётир.

Жорий йилда корхона 60 хилдаги 332 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Маҳсулотнинг қарийб ярми четга экспорт қилинди. — Биз хомашёни Қибрайдаги ҳамда атрофимиздаги туманлар ҳўжаликлари, аҳолидан ҳам сотиб

олаёямиз, — дейди хиссадорлик жамияти раиси Р.Саиддинов. — Ширкат ҳўжаликлари ва фермерлар билан алоқалар яхши йўлга қўйилган. Иил бошида уларга экиш, уруғлик олиш учун олдиндан бўнак бердик. Бунинг учун 36 миллион сўм тарқатилди. Натижа чакки эмас. Ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш 19 фоиз ўсди.

Эндиги асосий мақсадимиз — таннархни камайтириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини янада яхшилаш. Узумни қайта ишлаш цехимиз йўқлиги боис бошқа жойлардан тайёр узум шарбати сотиб олишга мажбур бўлаётган эдик. Шундай цехни ўзимизда куриб, ишга туширганимиздан сўнг бунга ҳожат қолмади.

Корхонада жорий йилда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотини қайта ишлаш яқунланди. Жамоа аъзолари бекор қолмаслиги учун ҳозирда янги лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Хиссадорлик жамияти раисининг таъкидлашича, яқундан бошлаб балиқдан консерва тайёрлаш йўлга қўйилади. (ЎзА).

ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ

Навоий вилоятининг Кармана тумани марказида кичик ип йигирув фабрикаси ишга тушди.

Тадбиркор ўткир Фармонов ташландиқ ҳолдаги эски бинони қайта таъмирлаб, йигирув дастгоҳлари ўрнатди. Россиянинг Кострома шаҳридан сотиб олинган мини фабрикада жун ва сунъий толанни ювиш, тозалаш ва ип ҳолига келтириш имкони мавжуд. Мини фабрикада ҳар смөнада бир тоннагача жун ва сунъий тола йигирилади. Корхонада ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулот мамлакатимиздаги хусусий фирмаларга етказиб берилмоқда. Айни пайтда 15 нафар ёш йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ислохот одимлари

Бепойн чўлни ларзага солиб, қудратли экскаваторлар ишламоқда. Зарбдор курилишда тупроқ қазиб ишлари қизгин тус олган.

Чўлдаги мўъжиза

— Биз бунёд этаётган «Сичанкўл» магистрал зовури йирик ирригация ва мелиорация иншоотларидан биридир, — дейди «Зовуричилик» хиссадорлик жамияти 10-механизациялашган ишлар бошқармаси участка бошлиги Эркин Қуватов. — Унинг вилоятимиз экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги аҳамияти беқиёс.

Айни кунларда магистрал зовурининг 22 километри фойдаланишга топширилди. Иил охирига қадар яна 12 километри қазиб битказилади.

Улкан машиналарни моҳирлик билан бошқараётган Рауф Амиров, Маҳмуд Ашуров, Ҳайит Ёқубов ҳамда бульдозерчи Абдужаббор Сатторов ҳар бир ишни тез ва соз бажаришга одатланишган.

Узунлиги 61 километрдан зиёд бўлган бу зовур келажакда вилоятнинг Баҳористон, Косон, Муборак туманларидаги зах сувларни Жанубий коллекторга қуяди.

Курилишда ишлайётган экскаватор ва бульдозерчилар учун етарли шароит яратилган. Ишчилар керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилибди. Бу ерда кеча-ю кундуза ҳаёт қайнайди.

«Сичанкўл» зовури секундига 50-60 минг кубометр зах сувни оқизишга мўлжалланган. Энг муҳими, зовур ишга тушгандан сўнг ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, пахта ва галла ҳосилдорлиги янада ошади. Демакки, табиатни муҳофаза қилиш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилади. **ЁЛКИН.**

Жамоа шартномаси амалда

ИШЛАГАН ДАМ ОЛИШНИ ҲАМ БИЛИШИ КЕРАК

Жамоа шартномасида белгиланганидек, энг аввало, меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясига катта аҳамият беряпмиз. Ёш болалар аёлларга берилётган имтиёз, яхши ишлайётган ишчиларга тўланаётган қўшимча иш ҳақлари ва муқофотлар меҳнат ахлини янада самарали ишлашга даъват этмоқда.

Ҳўжаликда етиштирилаётган узум ва сабзавот маҳсулотлари ишчиларга арзон нарҳда сотилмоқда. Тўй-маърака эгаларига моддий ёрдам берилиб, камчиқимлик билан ўтказишга эришилмоқда. Айниқса, сўт соғувчиларнинг меҳнати алоҳида аҳамият берилаяпти. Ойлик, чорак ва йиллик муқофотларнинг ўз вақтида тарқатилиши сўт ишлаб чиқариш соҳасига барака киритмоқда. Бу йилги ниятимиз — 1 сўмдан 10 сўмдан дивиденд тўлаш. Чунки ҳосилимизнинг чўги шундай дейишимизга сабаб бўла олади.

Дарҳақиқат, даромадга яраша буюрмад деганларидек, ҳўжалик ҳисобидан меҳнаткашлар 10 миллион сўмлик рағбатлантирилди. 10 та кам таъминланган оиланинг фарзандларига 125 минг сўмлик кийим-кечак олиб берилди. 6 нафар ёлғиз яшаётган фуқаро уйлари таъмирланди, электр қувватидан фойдаланилганлиги учун пуллари тўланди. Кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари уйларига етказиб берилди. 6700 нафар аҳоли яшаётган «Раваноқ» кишлоғига 238 минг сўм сарфланиб, электр сими тортилди. 370 ўринли мактаб қурилди. 4 та мактаб ва 1 та касб-ҳўнар лицейга қўшимча қурилиш учун 1,5 гектар ер ажратилди.

Шунингдек, «Талибарзу» қишлоғи аҳолиси ичимлик сувидан тўла

Меҳнат ва рағбат

«Феруз-Хоразм» тикувчилик хиссадорлик жамияти бундан 2-3 йил илгари қолоқ корхоналар сафига тушиб қолганди. Раҳбарларнинг ўзгариши ва тўб иқтисодий ислохотлар туфайли ҳозирги кунда мазкур корхона яна вилоятдаги илғор жамоалар сифидан мустаҳкам ўрин олди. Бунинг жорий йилнинг ярим иллик яқунлари ҳам кўрсатиб турибди. Кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 136 фоизни ташкил этди. Меҳнаткашларнинг ўртача маошлари эса 12 минг сўмга етди. Иш ҳақи беришда ҳам ҳеч қандай ўзилишлар бўлгани йўқ.

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛҒОРЛИККА

Корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ишчи-хизматчиларнинг меҳнати муҳофазалаш, уларга қўнғилдагидек иш ҳамда рағбат ҳар ойда қўшимча равишда 3000 сўмдан ҳақ бериб боришмоқда. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 70 минг сўмлик болалар кийим-кечаклари совға қилинди.

— Корхонамиз иқтисодий жиҳатдан бакуватлашган сари биз меҳнаткашларни моддий ва маънавий муҳофазалашга кўпроқ эътибор қаратяпмиз, — дейди корхона касаба уюшма кўмитасининг раиси Ш.Машарипова. — Чунки, яхши ишлаган ҳар бир киши фаровон яшашга ҳақлидир.

Ҳа, мазкур жамоа аъзолари ислохотлар фақатгина унумли меҳнат, изланиш орқалигина амалга ошириши яхши билишади. Зеро, уларнинг меҳнат қўрсаткичлари ҳам бунинг ёрдамида турибди. **Н.РАФИКОВ.**

БОШ ПРОКУРОР ОГОҲЛАНТИРУВИДАН СЎНГ

Куни кеча Вашингтоннинг Даллас аэропортида шов-шувга сабаб бўлган воқеа рўй берди. Нью-Йорк тайёрагоҳидан парвоз қилган самолёт қатъий огоҳлантиришлардан сўнг Даллас аэропортига қўнишга мажбур бўлди. Унинг ичида 144 нафар йўловчи бор эди. Улар дарҳол пастга туширилиб, муҳофазага олиндилар. Ушбу ҳодиса АҚШ бош прокурори Жон Эшкрофтининг бир неча кун муқаддам қилган огоҳлантиришидан сўнг рўй берди. У яқин вақт ичида террорчилик хуружи тақдорлини мумкин, деган эди. АҚШ ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари дарҳол текшир-текширгача тушиб кетдилар. Бундай ишлар билан айни пайтда мамлакат бўйича 18 минг ҳодима машғул бўлмоқда.

АХБОРОТ КўП, ҲАҚИКАТ БИТТА
Кейинги кунларда АҚШ президентидан тортиб олий мартабали давлат арбобларига террорчиларга берилётган зарбалар натижалари хақида халқни тўлиқ бохабар қилиш

СЎНГГИ ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

учун жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан тез-тез учрашувлар ўтказмоқдалар. Куни кеча АҚШ мудофаса вазири Дональд Рамсфельд матбуот конференциясида Афғонистондаги воқеалар ва кўрраи замин бўйича террорчиларга берилётган қатъий зарбалар хақида гапириб берди. Унинг сўзларига қараганда, зарбалар натижаси муваффақиятли бўлмоқда. Хусусан, бир неча кун муқаддам Афғонистонда ўтказилган операциялар оқибатида «толибон»чиларнинг жангарилари билан бир қаторда уларнинг бир неча нафар раҳбарлари ҳам ҳалок бўлган. Шунингдек, вазири «толибон»нинг барча самолётлари ва ҳарбий ҳаво ҳужумидан ҳимоя тизимларининг батамом йўқ қилинганлигини таъкидлади.

КЕЛАЖАК АФҒОН ХАЛҚИ ҚўЛИДА
Буюк Британиянинг ташқи ишлар вазири Жек Стро яқинда Москвага сафар қилди. У ўз таширифи давомида РФ Давлат Думаси депу-

татлари ҳузурда сўзга чиқди. У ўзининг нутқи давомида Афғонистоннинг келажакда афғон халқининг ўз қўлида эканлигини алоҳида уқтирди. Шунинг билан бир қаторда қўшни давлатлар билан мулоқотлар ҳам катта аҳамият касб эттишини таъкидлади. Афғонистоннинг истиқболда БМТ фаолияти катта ўрин тутди. Чунки, бу халқаро ташкилот дунёнинг турли минтақаларида тинчлик ўрнатиш бўйича катта таъриба орттирган, деди Жек Стро. Бундай қарашларни Англиянинг Москвадаги дипломатик миссияси раҳбарининг ўринбосари Дэвид Гауэн ҳам тасдиқлади.

ҚОНУНЛАР КУЧГА КИРДИ
Нихоят, уруш пайтида амал қиладиган қонунлар Япония парламентида тасдиқланди ва қабул қилинди. Уларнинг сони учтага етди. Мазкур қонунларга биноан эндиликда Американинг Афғонистондаги ҳарбий хатти-ҳаракатларини бемалол қўллаб-қувватлаш миссияси, Шунга асосан, АҚШ ҳарбийлари га

ган бўлиб, тақлифлар фақат ҳарбий харақатларни тўлиқ тўхтатиш, жангарилар тўдаларининг сўзсиз таслим бўлиши, қурол-яроғларини топшириш, шунингдек, РФнинг амалдаги қонунларини тан олиш хусусида бориши мумкин.

ЧЕКИШ — КўЗ КУШАНДАСИ
Янги Зеландия олимлари ўтказган сўнги тадқиқотлар ҳаммани лол қолдирди. Тамаки чекиш кишини кўр қилиши мумкин экан. Кейинги пайтларда кўзи оқиб бўлиб қолган 1 минг 300 нафар ҳаста устида ўтказилган текширишлар шифокор олимларнинг ҳулосаларини тўлиқ тасдиқлади. Веллингтон соғлиқни сақлаш институти шифокори Ник Вильсоннинг айтишича, бу ҳолат ёши ўткирланган одамларда кўпроқ учрайди. Чунки, кўз тўқималари ёш улғайгач, ўзгаришга юз тутадилар. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири шифокор олимларининг тақлифлари асосида юқоридаги ҳулосалардан келиб чиқиб, қатор тадбирларни амалга оширишни мўлжалламоқда.

ИНТЕРНЕТ ВА ҲАМ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

СУРХОННИНГ БУНЁДКОРЛИК КУНЛАРИ

ҲАР БИР УЙДА ТЎЙГА ТАРАДДУД

Кейинги пайтларда мамлакатимизнинг Афғонистонга туташ ҳудудлари аввалги кезлардагига қараганда анча гавжумлашиб қолди. Зотан, бу ерга меҳмонларнинг, хорижлик журналистларнинг келиш-кетишлари одат тусига айланди. Афғонистонга ўрнашиб олган террорчилар масканларининг АКШ ҳамда Буюк Британия ҳарбийлари томонидан бомбардимон этилиши муносабати билан Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳамда узоқ ўлкаларда ҳам турли хил гап-сўзлар тарқалди. Бундай шов-шувларни эшитган хорижлик журналистлар Термиз шаҳрига келгач, эшитган мишмишларнинг чиппака чикканлигини англаб Ғалати кайфиятга тушдилар.

Яқинда биз Термиз шаҳридаги «Сурхон» меҳмонхонасининг 503 хонасида жойлашган «Ар-АКШ» агентлиги муҳбири Линдангес Кюльбег билан суҳбатлашиб қолдик. «Бизнинг тасаввуримизда Термизда нотинчлик ҳукм сураётгандек эди. Энди хайронимиз. Одамлар хотиржам, шаҳар кўчалари обод, бозорлари гавжум. Бизнинг эшиттиришимиз орқали тез орада Американинг барча штатларидаги фуқаролар ҳам бу ердаги вазиятни яхши билишадиган бўлди, - деди у. «Шерикларим Жон-Пьер, Демьенлар билан ажойиб манзараларни тасвирга туширдик», - деди унга ҳаммоҳанг Франциянинг «Канал+» студияси муҳбири жаноб Фабриэ.

Барча хонадонларда энг яхши кунларга — Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тўйини нишонлашга тайёргарлик кетаётганлигини кўриб, биз ҳам мамнун бўлдик. Қолган таассуротларимизни бойитиш учун Музрабод туманидаги «Бе-шкўтон» ширкат ҳўжалигига йўл олдик. Ҳамроҳимиз туманлараро санот ҳодимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Жўра Ғафоров шундай деди:

— Ҳўжаликнинг ер майдонлари чегаранинг ичкари-сидида жойлашган, ҳатто ишчи-хизматчилар ҳам махсус рухсатномалар билан ишга қатнайдилар. Айниқса, ҳўжаликнинг Шўроб қишлоғи Афғонистон билан бор-йўғи 1-1,5 километр масофада қўшни ҳисобланади.

Мазкур манзилга етиб келганимизда ҳўжалик раиси Рамазон Холмирзаев, касаба уюшма кўмитаси раиси Комилжон Турдиқуловлар шולי тозаланаётган хирмонда эканлар. Уларнинг ҳосил баракасидан хурсандлиги чеҳраларидан шундоқ билиниб турарди.

— 2500 гектар майдонда шולי ўстирдик, - деди

ҳўжалик раҳбари. — Унинг 1900 гектари ҳозиргача ўриб олинди. Ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олиб, давлатимиз омборларига 5700 тонна шולי топширдик. Давлат буюртмасини 106 нафар пудратчиларимиз қойилмақом қилиб адо этдилар. Энг муҳими, одамларимиз яхши меҳнат қилиб, яхши яшамокдалар. Уларнинг кўнгли тўқ, Абдураҳмон Жумаев, Шотемир Бобоқулов, Қулсоат Сайфуллаев, Шокир Қўрбонов, Эшбўри Омонқулов, Қурбон Худойқабол, Урал Турсунмуродов каби пешқадамларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини оширишда, янчилган ҳосилни давлат омборларига етказишда жонбозлик кўрсатдилар.

Бундан кейинги суҳбатларимизда ҳам юқоридагига ўхшаш кайфиятда бўлган кўп хамроҳларимизни учратдик.

— «Карнай ва сурнай садролари янграб турган жойларда ҳаммиша тинчлик бўлади, - деди навбатдаги суҳбатдошимиз Эгамберди Муҳаммадиев, — ҳўжалигимизда 500 оила бўлиб, уларда 4600 нафардан зиёд киша истиқомат қилишади. Уйларимизда газ ва ичимлик суви бисёр. Ўзимизнинг ўйингоҳ, волейбол майдонимиз, истироҳат боғимиз, футбол жамоамиз бор. Маданий ва оммавий тадбирлар учун 2 миллион сўм маблағ ажратилганлиги фикримнинг исботи бўла олади.

Р. ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.



Огоҳлик

АЁЛЛАР МАКРИ ЎТМАДИ

Тун. Атроф жим-жит. Мезон ойи бўлган боис дарахлардан тушаётган баргларнинг шитирлаши элас-элас эшитилади. Турли кўриқлаш масканларида турган посбонлар кечаси билан миҳжа қоқмайди. Улар вилоятдаги ҳатти-ҳаракатларнинг барчасидан огоҳ бўлишга ҳаракат қиладилар. Вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда йўл патрул хизмати гуруҳлари ходимлари ҳаммиша сергак.

Мана узоқдан келаётган машина чироклари кўзга ташланди. Посбонлар дарҳол уни тўхтатдилар. Текширув жараёнида бошланди. Натижа яхши бўлиб чиқмади. Тожикистон республикаси томонидан ноқонуний равишда олиб келинаётган 17 миллион сўмлик товар моддий бойликлар ушлаб қолинди. Суриштирувда душанбеллик Сайёра Ақромова, Хосият Фаниева, Шарофат Қосимова, Зумрад Шерназарова, Барно Йўлдошеввалар ўзларини соддаликка олиб посбонларни чалғитмоқчи бўлдилар. Лекин, милиция ходимлари анойи эмас. Улар ички бир тўйғу билан қалтис ишининг «ҳиди»ни сезиб қолдилар.

... Деновлик Ҳадича Худойназарова ва унинг дугонаси Дилором Раҳматова ҳам чучварани хом санаб, ўзларича қатта пул ишлаш илинжида йўлга отландилар. Бироқ, улар ҳам осойишталик посбонларининг тўсигидан ўта олмадилар. Сафарбарлик гуруҳи ходимларининг гумонлари тўғри чиқди. Йўловчиларнинг жонсарақ ҳатти-ҳаракатлари уларнинг ни-

мадандир ҳаяжонланаётганлигидан дарак берарди. Узун туманидаги марказий шифохонада улар кўриқдан ўтказилди. Ҳ.Худойназарова ҳамда Д.Раҳматова чиндан ҳам хавфли ишга қўл урган эканлар. Уларнинг «ёни»дан 75 ва 76 грамм микдорда героин моддаси топиб олинди.

«Тўпаланг» йўл-патрули навбатчиси телефон гўшагини кўтарди. Кўнгирок қилаётган кимса «Дашнобод» ширкат ҳўжалигида ҳалокат рўй берганлигини хабар қилди. Ҳодиса рўй берган жойга етиб борган посбонлар жиноятнинг изини дарҳол топишга қўйналдилар. Аммо тажрибали изқуварлар шу кунийқ қаттолликнинг сабабчларини кўлга туширдилар. Воқеа шундай бўлган экан. Янги машина сотиб олган «Хисор» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Ғолиб Сафаровнинг автоуловини укаси Бахтиёр рухсатсиз миниб кетиб, ҳалокат содир этган. Тартиб соқовчилар ўз машинаси билан мотоциклчини уриб кетганлигини исботлаб бердилар.

Юқоридаги жиноятларни очишда, қонунбузарликларнинг олдини олишда вилоят Ички ишлар ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ходимлари намунали саъй-ҳаракатлар кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай фидойи ходимлар қаторига М.Т.Ғолимуродов, З.Мирзабадалов, Б.Қурбонов, А.Ибрагимов, И.Солипов кабиларни киритиш мумкин. Улар айна кунларда хушёрлик ва огоҳликни оширган ҳолда фаолият юритмокдалар.

П.РУСТАМОВ.
Суратларда: осойишталик посбонлари фаолиятидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

(Боши 1-бетда).
— Меҳнатқаш халқимиз. Бақувват оилалар оз эмас. Қани эди, ҳаммаси — катта-кичикми қорхона очса, ёшларни ишга жалб этса... Тўйлар, орзу-ҳаваслар яхши, аммо айни ҳозир ёшларни эътибор, меҳр билан юртга, ҳаётга боғлаш керак. Токи, улар адашмасин.

Ҳа, инсонни ҳалол меҳнат поклайди. Аммо у маърифат билан уйғунлашса,

ҲАЁТ АБАДИЙ, УМР ҒАНИМАТ

нур устига аъло нур. Термиз шаҳридаги Теша Сайдалиев номли мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Ойнабот Азимова ана шу юмшунинг уддасидан чиққанлардан.

— Америкада портлаш оқибатида жуда катта зарар қўрган компаниялардан бирининг 700 нафар ходими ҳалок бўлиб, 1500 нафар гўдак етим қолган. Бу — фожеанинг бир нуқтасидаги орикли рақам. Қолган фожеалар-чи? Ўзбекистонимиздаги 16 февралда қанча жудолик фўрдик, ўтган йили Саросиёб, Узунда ҳалок бўлган йигитларимизнинг изидан термулиб қолганларнинг оҳи-ҳанзун юракларимизда аксадо бермокда.

Бу йил биринчи синфини олдим. 34 та ўқувчим бор. Улар эндигина қўшиб ўқишни ўрганишда. Ҳар бирининг қалби — олпоқ қоғоз. «И» ҳарфини ўрнаётгани, битта ўқувчимга «Илон» «и»дан бошланади, яна мисол келтириш-чи» деса, «Террорчи!» дейди. Ғалати бўлиб кетдим. Демак, террорчиликнинг ҳаёт учун зарарли эканлигини менинг мурақларим ҳам англаб етмапти.

Куз эмасми, дарактлар

биз ёрдамчимиз. Биринчи синфданок «Ўз шаҳрингга ўзинг эғалик қил!» деган нуқтаи назарни шу тарада болаларга сингдиришга уринамиз.

Ҳамид Олимжон номли мактаб муаллимаси Нусқа Аҳмедова, кўз микрохирургия шифохонаси шифокори Дилбархон Баратова — Термиз сафарига ким билан суҳбатдош бўлсак, бари аввало оналиги, иш фаолияти, қолаверса, қўшни Афғонистондан сўз очади. Улар учун юртимиз тинчлиги қанчалар қадри бўлса, яқин жойдаги қўшни ҳаётдаги нотинчлик — шу қадар кўнглисиз.

— Шу кунларда хорижлик матбуотининг Термизга тез-тез келишапти. Нуқул сўраганларимиз террорчилик ҳақидаги фикрларини. Дунё тетроқ террор балосидан ҳалос бўла қолмайди! Йигитлар, қизлар сўхубат ҳақида, кексалар фароғат, гўдаклар орзулари ҳақида сўзлашганига нима етсин! Ахир, умр — ғанимат, - деди «Сурхон соҳили» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Умида опа Норбоева.

Айтганимиз келсин!
Кутлибека РАҲИМБЕКОВА



● Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Абдурауф Фитрат номли мактаб ўқитувчиси Эгамберди Маматов сурхондарёлик ҳамкасблари билан тез-тез хабарлашиб туради.

Суратда: Э.Маматов шогирдларига сурхондарёликларнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилиб бермокда.

Халқаро террорчиларнинг Афғонистонни ўзлари учун макон қилиб олганлиги ҳам тасодифий эмас. Чунки, бу мамлакатдаги ҳаёт бутунлай издан чиқиб кетган. Иқтисодий, сийсий, миллий-этниқ бўҳронлардан ташқари маънавий тубанлик, диннинг маърифий қўшқонлиги чўккани чиққан. Ваҳшийлик, бузғунчилик, даҳшат, қўрқув, ёндириш, ўлдириш усулларини қўллаётган террорчилар афғон дёвирга бирдан тўпалангани йўқ. Ахир, бир йўлаб кўрайлик! 1978 йил апрелидаги ўша машъум «саар инқилобидан бери, аниқроғи, кимлардир мажбуран уюштирган суний инқилобдан бери тинчлик йўқ — Афғонистон заминиди. Шу йил декабрда собиқ Иттифок қўшинлари афғон ерига киритилганига 22 йил тўлади. Демак, учинчи ўн йилликдирки, қўшни мамлакат ҳудудида биродарқушлиқ жоғароси, маслак талаш, гоғ талаш, амал талаш авжида. Айнан шу ҳолатлар халқаро терроризмга қўл келади.

Бунинг сабаби, орадан не замонлар ўтган бўлса-да, онги заҳарланган, қўзи қонга тўлган, ўлдириш ва ёндиришдан қурол кўтаришдан бошқа нарсани билмайдиган жоҳил авлод шаклланди — афғон дёвирда. «Одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳаммиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йўқит инстинктлари, яъни ҳатти-ҳаракатларини кўзга тиб юбориш осонроқ, - деганида Президентимиз қанчалик

«Терроризмнинг қўлларни кесилмокда...»

2 АФҒОНИСТОН ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ҳақ эканлигини ҳаётнинг ўзи қайта-қайта тасдиқламокда.

Терроризмга қарши кураш умумжаҳон вазифаси эканлигини халқлар, давлатлар, йирик ташкилотлар тобора чуқурроқ англамокда. 11 сентябр воқеаларидан кейин дунё тубдан ўзгарди, хушёр тортиди, ҳатто маълум бир давлатлар ўз вақтида айтилган огоҳликнинг мазмун-моҳиятини, унинг халқаро аҳамиятини тушуна бошлади. Шундай экан, Афғонистон — афғон халқи ёки биз яшаб турган макон дардига эмас, балки Афғонистон — дунёнинг энг оғриқ бўлагидир.

Бугун йигирма икки йилдан бери уруш олови сўнамаган заминда бу ажал қонининг бўқсиб ётган тутунлари инсон қалбини ўртаб, руҳини озурда қилаётган, вужудини минг бор азобларга солаётган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий мажруҳ этаётган, натижада бутун халқ тақдирини таназулга олиб келган ҳолатларни қандай баҳолаш мумкин? Унинг инсониятга келтираётган зарарини ўлчаб бўладими? Афғонистон фожеаси, бу ерни террористлар ўзлари учун ўй қилиб олиши, халқаро жиноятчилар тўпаланган жой, нарқобизнеснинг авж олиши оқибатида афғон муаммоси ўз қобилидан чиқиб, ташқарига, узоқларга бориб етганлигини ҳаёт кўрсатди-ку! Боткен воқеалари, Саросиёб ва Бурчмулла, 1999 йил 16 февралдаги террористларнинг Тошкентда қилган ваҳшийлиги,

Шимолий Кавказ танглиги, Яқин Шарқ, Босния, Косово, Македониядаги хунреликлар ва 11 сентябр — Нью-Йорк, Вашингтон. Албатта, терроризмнинг қонли изи барча минтақалар, қитъаларни эгаллаган. Бизнингча, халқаро терроризмга қарши кураш, амалий ҳаракатлар биргаликда олиб борилган тақдирдагина — бу ҳаракат самара бериши мумкин. Дунё омонлиги, қадриятлар давомийлиги ва озод гоғлар, ҳур фикр, эзгу ният ва барқомол маънавий тантана қилиши учун муҳим қадам қўйилган бўлади — агар огоҳ бўлсак, доимо хушёр бўлсак.

Оддийроқ қилиб айтганда, бугун инсониятга ўта катта хавф солаётган битта душман бор — бу терроризм балосидир. Унга қарши кураш бутунжаҳон фикрига айланган даври — бу замон. Халқаро терроризмга қарши самарали кураш олиб бориш учун барча ҳаракатларни мувофиқлаштириш даври — бу. Бу нималарда ўз ифодасини топтомоғи керак? Бизнинг назаримизда, қўйидаги ҳолатлар асосий омил бўлиши мумкин:

- жаҳон миқёсида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- терроризмга самаралироқ ўт очиш учун дипломатия воситаларидан фойдаланиш;
- молиявий соҳада ҳамфикрлик;
- хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳо-

фаза қилувчи идораларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати ва террористларни қидириб топиш йўлидаги режаларни мувофиқлаштириш;

- ахборот хуружининг олдини олиш мақсадида давлатлараро ахборот алмашувига эришиш;
- почта хизмати, барча вақт воситаларида (хат, телефон, телеграф, интернет тармоғи) хавфсизлик чораларини кучайтириш ва бошқалар.

Эгу мақсад йўлида курашаётган жаҳондаги аксилтеррор коалиция айнан вайронкорликни, ваҳшийликни ва қабохатни касб қилган жоҳилларга қарши аёвсиз кураш бошлади. Бу кураш террорчиларнинг узун кўлларини кесиб қудратига эга. Аммо, умумий мақсад фақат халқаро терроризмнинг имконларини чеклаш эмас, балки унинг манбаини, илдизини ва ҳомийларини тағ-томири билан йўқ қилиш амалиётлари билан боғлиқдир. Яқиндагина Шанхайда бўлиб ўтган Оснб ва Тинч уммо-лик иқтисодий ҳамкорлиги мамлакатларининг навбатдаги саммитида бу муаммо бўйича яқдил фикр ва умумий ахдномага эришилди. АКШ Президенти Жорж Бушнинг Хитой, Россия, Канада, Мексика, Австралия ва Япония раҳбарлари билан ўтказган учрашувда ҳам умумий кураш йўли янада аниқ қилиб белгиланди. Ўзбе-

кистон раҳбари И.Каримовнинг Россия Президенти В.Путин билан телефон орқали мулоқоти чоғида ҳам Шанхай анжуманида қабул қилинган амалий ҳаракатларга доир ҳужжат юқори боҳоланди.

Кўп бор таъкидланганидек, аксилтеррор ҳаракатлари Афғонистон халқи, давлатига ёки мусулмонларга қарши қаратилган эмас. Бу амалиётлар қонхўр террористлар ва уларнинг ҳимоячилари-ю, маърифатдан узоқ бўлган жоҳилларга қарши нисбатан олиб борилмақда. Бугун ҳам жафоах афғон халқи инсонпарвар ёрдам етказилмокда. Кейинги уч ҳафта ичида оғир аҳволда кун кечираётган афғонларга 48 минг тонна галла етказиб берилган. Яқин бир ой мобайнида яна 165 минг тонна дон маҳсулотлари етказиш мўлжалланмокда. Расмий маълумотларга биноан ҳар қуни 900 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари келтириляпти. Халқаро ҳамжамият бу ёрдам кўламини яна ҳам кўпайтириш режасини тузди. Унга кўра афғон халқи учун ойига 52 минг тонна озиқ-овқат жўнатилади. Яна бир эътиборли томони: афғон халқи учун кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамининг 80 фоизи АКШ улушига тўғри келмокда. Хусусан, октябр ойи мобайнида Қўшма Штатлар 500 минг тона махсус мослама идишларда (пакетлар) кундалик

зарур овқатларни Афғонистон аҳолисига етказган. Мана шундай мураккаб шайроғида «Толибон» фарбга қарши қайфиятни уйғотиш мақсадида махсус идишдаги озиқ-овқатларни заҳарлаётгани ҳақидаги маълумотлар тасдиқланди. Бу етмаганидек, «ўғри Толибон»лар Қобулдаги БМТ назоратда бўлган омборхонадан 5300 тонна ва Қандаҳордаги халқаро кўмак берувчи хайрия ташкилотининг омборхонасидан 1600 тонна дон маҳсулотини зўравонлик йўли билан олиб кетган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афғонистонда тетроқ тинчлик ўрнатилишидан бизнинг халқимиз, шу жумладан, бутун минтақамиз мамлакатлари ҳам манфаатдордир. Шу кунларда халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Лаҳор Иброҳимий (Браҳимий) Осиё жанубидаги давлатлар бўйлаб сафари давом этмокда. Унинг Исломободда Покистон мамурияти билан ўтказган музокараларида ҳам Афғонистоннинг эртанги тақдир, бўлажак ҳукумат масаласи ва бошқа халқаро муаммолар муҳокама қилинди. Халқаро дипломатия вакиллари ҳам Римда Афғонистоннинг собиқ қироли Муҳаммад Зоҳир Шох билан амалий мулоқотларни ўтказилмокда. Хусусан, яқинда Европа Иттифокнинг ташқи сийсий масалалар бўйича раҳбари Хавьер Сола-

таъбири билан айтганда, «Жаҳоннинг катта сийсати гирдобига тушиб қолган бечора бир давлат бўлди бу Афғонистон! Бечора халқ бўлди бу афғон халқи!»

Шунинг учун жаҳон ҳамжамияти эътиборини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар эътиборини бу масалага жалб қилиш бизнинг бурчимиз эди. Яна бир бор айтман: Афғонистонда тинчлик ўрнатишга, Ўзбекистонда, мана шу Тошкентда биз хотиржам яшай олмаимиз». Бу куюнчалик билан айтилган фикр 1995 йил 27 октябрда Ўзбекистон телевидениеси муҳбирининг саволларига жавобларда билдирилган эди. Бугун ҳам ушбу фикр бебаҳо аҳамият касб этмокда. Чунки, Афғонистон тинчлиги бутун жаҳон барқарорлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан узвий боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам она заминимизда тинчликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас бурчимиз экан, ҳар бир инсон, аввало, ўзининг фуқаролик вазифасини виждонан адо этиши, шу билан бирга, фарзали ва бузғунчилик мақсадида қилинаётган ахборий хуружларга, уйдирма ва турли хил миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган воқеаларга очик кўз билан қарашни, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар ва қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон қуйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва хушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сийсий шарҳловчи.



ДУШАНБА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома» ... 18.10 Мультифильм ... 23.10-23.15 «Ватан тимсоллари»

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

21.35 «ТВ-4 да Немис тўлкини». 21.55 «Бугун оламда». 22.10 Кинематограф. «Шамолларда учган хисларим».

СЕШАНБА, 6

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 «Янги авлод» почтаси. «Билагон маслаҳати».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

ЧОРШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.55 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Хива гилами», «Кушлар». 9.20 ТВ-мето.

ПАЙШАНБА, 8

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 «Янги авлод» студияси: «Имтиҳон».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

23.00 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви. 23.05 Кинематограф. «Ёшликни кумсаш».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

Бадий фильм. 24.00 «Ахборот» (рус тилида) 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

7.25 «Шоҳрух клуби». 7.45 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Шарк зарчасмаси».

ШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

9.20-11.20 ТВ-мето. 9.25 «Шоҳрух клуби». 9.45 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Шарк зарчасмаси».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ. 16.00 Курсатувлар тартиби. 16.05 «Рэй Бредбери театри».

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ ЧЕМПИОН

Озарбойжондан хушxabар келди. У ерда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасида бокс буйича жаҳон чемпионатида Андижон бокс мактабининг ёш вакили Баҳодир Султонов 51 килограммгача вазн тоифасидаги финал жангида россиялик рақиб Андрей Стрелковни мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди.

Баҳодир асли Андижон туманидан. Чемпионнинг отаси Маъруфжон Султонов ҳам спорт ишқибози. Бир пайтлар Маъруфжон ака ҳам бокс билан шуғулланган, спорт усталигига номзод. Баҳодир отасининг изидан бориб, вилоят бокс мактабига қатнай бошлади. Сўнгра Андижондаги олимпия захираси республика билим юртига ўқишга

Фахр

кириб, ҳозир 11-синфда ўқимокда. Баҳодир Султонов - вилоят чемпионларининг бир неча карра голиби, 2000-2001 йилларда ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган, кўпгина халқаро турнирларда голиб чиққан.

(ЎЗА).

Халқ хунармандчилиги ДИЛГА ҲУЗУР

Миробод туманида фаолият кўрсатаётган «Ҳабиб» ўзбек-турк қўшма корхонасида миллий каштачилик буюмлари ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, матоларни қадимий усулда тўқиш ҳамда ип ва ипақларга табиий ранг бериш жараёнлари шунинг эътиборида амалга оширилмоқда. Бу бундан, маблағни тежаш имкониятини бераётган бўлса, иккинчидан, унинг харидорлигини ортирмоқда. Корхона маҳсулотларининг чет элларда ҳам суюб сотиб олинаётганлиги ҳам шундан. Айни кунларда жамоада 25 нафар хотин-қиз фаолият олиб бормоқда.

Етакчи мутахассис Неъматуллох Муҳаммад Маҳдум биз билан бўлган суҳбатда ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этди: — Мен ўзбек миллий каштачилик хунарини жуда севаман. Хориж мамлакатларида бўлиб ўзбек халқининг каштачилик хунарига бўлган катта эътиборни кўрдим. Корхонада ишлаб чиқарилаётган каштачилик буюмлари табиий равишда қўлда тайёрланганлиги билан ҳам қимматлидир. Масалан, ипақларни бўяш учун турли хил гиёҳ ва ўсимликлардан фойдаланмоқдамиз.

Дарҳақиқат, жамоа ип ва ипақларни ана шу усулда бўяш технологиясини яхши билди. Бунинг яна бири сир бор: девор пештоқларига осиладиган зардевор, сўзана, ёстиқ жилди ва турли хил ҳамёнларга тикилган кашталардаги табиийлик инсон саломатлиги учун фойдали бўлиб кўзнинг нурига куч бериб, асабини тинчлантиради ва киши вужудидаги чарчоқни йўқолишига ёрдам беради. Шу боис ҳам ушбу маҳсулотга қизиқиш катта. Фирминининг исботи сифатида Лондон ва Анкара шаҳарларида бўлиб ўтган каштачилик кўргазмалари ҳақида айтиш мумкин. Хусусан, чет элликлар каштадаги нафислик, кўзни қувонтирувчи жозиба олишлар билан қўшнилар олиб бормоқда.

Айни кунларда қўшма корхона ўз экспорту салоҳиятини янада кўпайтириш йўлида изланишлар олиб бормоқда.

Дилфуза МАЖИДОВА.

Истеъмолчи манфаати муқаддас

Хўжаобод тумани «Матлуботсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли нон корхонаси ўз маҳсулотлари турини 15 тага етказди.

ТАНДИР ТЎЛИБ ЁПИЛДИ НОН

- Дўконга келган харидор «Зўр пиширибди, отасига раҳмат», деса бунинг эшитган нововий яйраб кетади, - деди корхона раҳбари Халимжон Оқйўлов «Туркистон-пресс» муҳабирига. - Шу боис маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаётган.

Раҳбарнинг айтишича, мутахассислар нон печларини газ қатори электр энергиясига ҳам мослашди. Чунки об-ҳаво совиган кунларда газ босими тушиб кетади. Газ босими икки атмосферадан кам бўлса, печ мезърадагидек қизмайди. Ана шунда электрнинг улаш, шу орқали узлуксиз нон пишириш мумкин.

- Илгари фақат қолип нон тайёрлар эдик, - сўзини давом эттирди Х.Оқйўлов. - Қарасанқойда кам, шунинг учун турли ҳажмдаги бўрсилдоқ нонларни ҳам ишлаб чиқара бошладик. Шу сабабли бу йилги фойдамиз ўтган йилгига нисбатан икки карра ортиқ бўлиши кўтилмоқда.

Корхона раҳбарининг эътирофи этишича, рақобат муҳитида ишлаш осон эмас. Агар дўкон пештахтасига лоақал бир марта сифатсиз нон чиқиб қолса бас, харидорларнинг ярмидан ажралиб қолиш мумкин. Бундан ташқари, неча тур маҳсулот ишлаб чиқарилса, шунча хил нон дўконда доимо бўлиши лозим. Шундангина аҳоли бозорга эмас, кўпроқ дўконга келади.

- Интизом ва савдо маданияти - фойданинг гаровидир. Ҳар бир ишчи ва сотувчи бунинг пухта билади. Ишимизнинг ривожини эса мен кўпроқ аҳолининг барака тилагани, раҳмати билан боғлайман, - деди сўзининг якунида Х.Оқйўлов.

БОҒЧАДА ИҚТИСОДИЁТ ХОНАСИ

Каттақўрғон шаҳридаги 16-бўлакал боғчасида иқтисодиёт хонаси ташкил этилди.

Бу ерда олиб бориладиган машғулотлар туфайли тарбияланувчилар бартер, товар, бизнес ва иқтисодиётга тегишли бошқа атамаларнинг мазмун-моҳиятини билиб олаётди. Шунингдек, болажонларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг тевақал-атрофдаги воқеа-ҳодисаларда идрок этиш, тўғри хулоса чиқариш қобилиятларини шакллантиришга ҳам жиддий эътибор берилаётган. Кичкинтойлар онгига Ватанимиз тарихи, бугунги кун, келажаги, халқимиз урф-одатлари, маънавияти тўғрисидаги билимлар сингдириб борилаётган.



Санъат «МОВИЙ АФСОНА»

Пойтахтимиздаги Халқ амаллий санъати музейида гурумсаройлик уста кулол Ваҳобжон Буваевнинг «Мовий афсона» деб номланган кўргазмаси очилди.

Гурумсарой нафақат Наманган, балки мамлакатимизда ҳам кулолчилик санъатининг қадимий марказларидан бири ҳисобланади. Ана шу кўхна кулолчилик мактабининг пешқадам давомчиларидан бири - уста Мақсудали Туроповдан кулолчилик санъати сирларини ўрганган В.Буваев ҳозирда аждодларимиз анъаналарини сақлаб келаятган моҳир ва умидли кулоллардан ҳисобланади.

Кўргазмага ташириб буюрган томошабинга бежирим ишланган турли хил сопол идишлар ўтмишининг бой маданий мероси анъаналари билан ҳозирги замон кулолчилик санъати уйғунлигининг самараси бўлмиш бетақор ижод намуналари сифатида манзур бўлади.

Пахтаобод мамлакатимизнинг қўшни Қирғизистон республикаси ҳудудлари билан бирлашиб кетган олис туманларидан. Эътиборли жиҳат: оқоппоқ сағла ўраган пурвикор Арслонбоб тоғлари туман табиатида ўзига хос — ажиб гўзаллик бахш этган. Айтганча, бу ерларнинг табиати каби одамлари ҳам ажиб: содда, самимий, очкиқўниги ва меҳмондўст. Пахтаободликлар ҳар қандай муаммони фидойилик, тадбиркорлиги изланувчанлик билан бирликда бартараф этишни, ва ўз навбатида, ҳар қандай ютуқлар ана шундай савий-харакатларнинг тотли меваси эканлигини гоёат яхши англайдилар. Не бахти, бу мулоҳазамиз туманнинг «Озод» ширкат хўжалиги спорт мактаби яқинроқ танишиш жараёнида бўй кўрсатди.

Хўжалик ҳудудидаги 13-ўрта таълим муассасаси қошида ташкил этилган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидамиз. Спорт залида стол теннис бўлимининг бир гуруҳ ўғил-қизлари машғулотлар билан банд. Улар ўзгача меҳр-муҳаббат билан, астойдил шуғулланишаётдилар. Мураббий, спорт усталигига номзод Мастура Худойқулова эса шогирдларининг ҳар бир ҳаракатини зий-раклик билан кузатиб,

натижаларимиз ҳам ёмонмас, — суҳбатга қўшилади БЎСМ директори Турсунбой Маматраҳимов. — Ёш теннисчиларимиз ишончимизни оқлаб, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишмоқда. Бир неча нафар тарбияланувчилардан таркиб толанган 8 та гуруҳимизда қарийб юз нафар тарбияланувчи машғулотларда қатнашмоқда, — дейди мураббий. — Яна икки нафар тажрибали ҳамкасбим билан бирга салкам ўн бир йилдан бўён бола-ларига стол теннис сирларини баҳоли кудрат ўргатиб келяпмиз. — Кўлга киритаётган

лот, республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишмоқда. Бир неча нафар тарбияланувчилардан таркиб толанган 8 та гуруҳимизда қарийб юз нафар тарбияланувчи машғулотларда қатнашмоқда, — дейди мураббий. — Яна икки нафар тажрибали ҳамкасбим билан бирга салкам ўн бир йилдан бўён бола-ларига стол теннис сирларини баҳоли кудрат ўргатиб келяпмиз. — Кўлга киритаётган

Андижон спорти: муваффақият омили

инжидаги кузатувларимиз натижаси ўлароқ спорт мактаби раҳбари айтган ютуқларга энг биринчи галда бу ерда яратилган шарт-шароит мустақкам пойдевор бўлиб хизмат этаётганига амин бўлдик. Бинобарин, спорт мактаби 11 та теннис сто-

жойлашган спорт мактабига катта ёрдам бермоқда. Ўзим гувоҳман. Айтганча, сал бўлмаса, ёдимдан кўтарилибди. Яқин орада бизда замонавий бокс мактаби очилади. Бу хайрли ишга хўжалик раиси ва бош ҳисобчиси бош-қош бўлмоқда. Олис қишлоқдаги бўлғуси бокс мактабига қизиқиб, хўжалик раҳбари билан суҳбатлашишни ният қилдик. Афсуски, раис хўжалик ишлари билан туман марказига кетибди. Бош ҳисобчи Мавлонберди Эгамов эса анча камтарин киши экан. «Ҳа, яхши ният билан шу ишни бошлаганмиз. Насиб этса, яқин кунларда ниятимизга етармиз», деди холос. Бошқалардан билганимиз, кўрганамиз — бўлғуси бокс мактаби барча қулайликларга эга бўлади: ювениш ва дам олиш хоналари, машғулот заллари, замонавий ринглар... Айни пайтда мазкур спорт оддий қулайликларга ҳам эга бўлмаган ҳолда фаолият юритаётганлигини таъкидлаш лозим. Шундай экан, бу ерда ушбу катта муаммо қандай ҳал этилмоқда?

— Биласизми, ширкат хўжалигимиз раҳбарияти бизга катта эътибор қаратган, - дея сўз бошлади фикримни уқандек БЎСМ директори. - Хўжалик раиси Тўхлибой ака Тожибоев ҳақиқий спорт фидойиси. Шундан бўлса керак, хўжалик спорт жиҳозлари билан узлуксиз таъминламоқда. Шу билан бирга турли мусобақаларга бориб-қелиш, қатнашиш учун кетган харажатлар ҳам хўжалик ҳисобидан. Тўғри, ҳали баъзи муаммо ва камчиликларимиз ҳам бор. Уйлайманки, улар ҳомийларимиз кўмаги билан тезда ҳал этилади. — Демак, раислардан ёлғичан экансизлар-да... — Жуда тўғри айтдингиз, - дейди бироз юзда кулгу билан Турсунбой ака. - Чунки туманимиздаги «Намуна» ширкат хўжалиги раиси Адхамжон Матисаев ҳам ўз ҳудудида

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч»нинг спорт шарҳловчиси.

Футбол

Очиғи, бу ҳолни илгари ҳам кўп кузатганмиз. Яна кўришга тўғри келмоқда. Медаллар учун курашиш имкониятларини йўқотган, айни вақтда хавфли зонага тушиб қолишдан хавотир олмаसा ҳам бўладиган жамоалар ўйинни сусайтириб юборишди. Бу борада айниқса ўтган йилги чемпионимиз «Дўстлик» бошқаларга «ибрат» бўлмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, аввалига «Металлург»дан ўз майдонида мағлуб бўлган чемпион кечаги турда «Сурхон»нинг хужумларида дош бўлиб ўтган каштачилик кўргазмалари ҳақида айтиш мумкин. Хусусан, чет элликлар каштадаги нафислик, кўзни қувонтирувчи жозиба олишлар билан қўшнилар олиб бормоқда.

32-турга мўлжалланган ўз ўйинларини аввалроқ ўтказган «Пахтакор» ва «Насаф» клублари эса халқаро майдонда тўп сурдилар. Афсуски, у мухлисларда

имкониятни бой бериб, икки ўйин натижасига кўра (биринчи учрашув Ташкентда 2:2 ҳисобида тугагани), баҳсни давом эттиролмайдиган бўлди. Хайриятки, Қар- (4:1), меҳмонда ҳам (3:2) йиғинчоқлик билан қилинган ҳаракат туфайли енгиб, навбатдаги босқичга йўлланма олди. Эсла-тиб ўтамиз, «Насаф» ўтган йилги чемпионимиз «Дўстлик» ўрнига халқаро майдонда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Яна тўрт ҳафтадан сўнг футбол бўйича 10-чемпионатимизга якун ясалди. Демакки, ҳар бир учрашув қизгин ва муросасиз кечиши керак. Шундай бўлсагина, стадион мухлислар билан тўлади.

УЧРАШУВ қизгин ва муросасиз бўлса...

да устун келди. «Зарафшон» — «Бухоро» жамоалари ўртасидаги баҳс ҳам майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди — 2:1.

икки хил кайфият уйғотди. Гап шундаки, ҳа-вотир олганимиздек «Пахтакор» Тожикистоннинг «Регар-ТАДаз» жамоасига 1:3 ҳисобида

«Бу ажиб дунё ИСЛАНДИЯ — МУЗЛАР МАМЛАКАТИ» Бундан 1100 йил муқаддам жасур скандинавиялик денгизчи-вининглар Исландияни кашф этишган эди. Улар янги оролда ўрнашиб олишгач, аста-секин фарбга ўта бошладилар ва шу тариқа аввал Гренландияни, кейинроқ Шимолий Американи кашф этишди. Дағлаб кўчиб келганлардан бирининг моллари биринчи қаттиқ қишдаёқ ўлиб қириб кетган. Шундан кейин у ватанига қайтишга мажбур бўлган. Кетишдан олдин баланд тоққа чиқиб атрофга назар ташлаганда, музлар сузиб юрган бир қўлтқичга кўзи тушган. Шунда у бу ўлгага «Исландия» — «Музлар мамлаката» деб ном берган эди.

А.АЛИЕВ.



32-турдан кейинги вазият

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	29	23	3	3	78-23	72
2. «Насаф»	29	19	5	5	72-40	62
3. «Пахтакор»	27	18	3	6	55-26	57
4. «Навбахор»	31	18	1	12	68-46	55
5. «Академия»	29	12	10	7	62-42	46
6. «Қизилқум»	29	14	4	11	40-31	46
7. «Дўстлик»	29	13	5	11	65-45	44
8. «Трактор»	30	12	7	11	51-49	43
9. «Сўғдиёна»	31	13	4	14	41-45	43
10. «Самарқанд-Д»	31	13	3	15	54-59	42
11. «Андижон»	30	12	3	15	50-53	39
12. «Зарафшон»	29	11	6	12	48-45	39
13. «Бухоро»	29	12	2	15	47-53	38
14. «Металлург»	31	8	11	12	34-57	35
15. «Сурхон»	30	10	1	19	34-66	31
16. «Турон»	30	8	6	16	36-61	30
17. «Кимёгар»	29	7	6	16	27-51	27
18. «Семурғ»	30	2	4	24	33-100	10

ISHONCH
МУАССИС:
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
 Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
 Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.